Куч — адолатда

2010 йил,
21 апрель,
чоршанба
№ 16 (270)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

БУНЁДКОР ХАЛҚНИНГ БУЮК МАҚСАДЛАРИ ИЖОБАТИ

Ятарувчанлик, бунёдкорликни қадрлайдиган халқимиз доимо яхшиликка, юксакликка интилади. Биргина асрлар билан бўйлашган меъморий обидаларимизнинг ўзи аждодларимизнинг салоҳияти нечоғлик юксак эканлигидан далолат беради. Чунки бундай меросни яратиш учун, аввало, иқтисодий барқарорлик, қолаверса, теран ақлу тафаккур, истеъдод талаб этилади. Қувонарлиси, бу анъаналар бугун ҳам давом этаётир. Бу бизнинг эртанги кунга бўлган ишончимиз, кўпмиллатли юртимизда умуммақсадлар муштараклигининг мевасидир.

Эришаётган ютуқларимиз давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама чуқур ўйланган, узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсати самарасидир. Айниқса, бутун жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида юртимиз эришаётган муваффақиятлар жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётгани бизни янада олға интилишга ундамоқда. Ўтган ҳафта пойтахтимизда бўлиб ўтган **«Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)»** мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўлидан бошқа мамлакатлар ибрат олса арзийди, деган фикр илгари сурилгани шу заминда яшаётган каттаю кичикнинг кўнглида улкан фахр уйғотди. Чунки дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда экспертлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки, ЕврАзЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг Ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг кўламли самараларини, жаҳон молиявий инқирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислоҳ қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибаси чуқур ўрганилди ва натижада ана шундай хулосага келинди.

Дарҳақиқат, жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб турибди, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш давом этмоқда, ишлаб чиқариш юксалмоқда, экспорт кўрсаткичлари, жумладан, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан оширилмоқда, уни диверсификация қилиш ва етказиб бериш кўлами кенгаймоқда, хорижий инвестициялар жадал суръатда жалб этилмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновация технологияларини жорий этиш, ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш эвазига реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди. Хўжалик субъектлари учун солиқ юки йилдан-йилга пасайтирилмоқда. Мамлакатимиз экспортчи корхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва барқарор ишлаши натижасида 2009 йилда экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажми ўсди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бугун ушбу соҳада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Маълумки, глобал инқироз жаҳон миқёсида ижтимоий ривожланишга ғоят катта салбий таъсир кўрсатди. Маълумотларга қараганда, дунё миқёсида қарийб 240 миллион киши ишидан айрилган, 170 миллион нафардан ортиқ киши қашшоқ бўлиб қолди.

Мамлакатимиз аҳолисининг глобал инқирознинг салбий таъсирини деярли сезмагани Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури самарали амалга оширилаётганининг муҳим ижобий натижаларидан биридир. Юртимизнинг давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва самарадорлигига эришиш, депутатларнинг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш ҳамда депутатлик назорати институтини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 апрелда бўлиб ўтган мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чорагидаги якунлари кўриб чиқилганида бу натижалар янада яққол намоён бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ушбу сонда:

Суд буйруғи



3

Адоватга ўрин қолмади

икки қўшнининг ярашуви шунга йўл очди — 3

Иқтидорли ёшлар — бизнинг бахтимиз

4

Mezon

Муаллифлик ҳуқуқи: миллий ва халқаро тамойиллар

мамлакатимизда Берн Конвенцияси қоидалари амал қила бошлаганига беш йил бўлди

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 27-моддасида қайд этилганидек, ҳар бир инсон ўзи муаллифлик қилган илмий, адабий ёхуд бадиий асарларнинг натижасида келиб чиқадиган маънавий ва моддий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин тутади. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлашга оид улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенциясига қўшилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Судда фуқаролик ишларини қўзғатиш

Фуқаролик процесси босқичлари ҳақида фикр билдирган ҳуқуқшунос олимларнинг аксарияти фуқаролик ишларини қўзғатиш фуқаролик процессининг дастлабки ва мустақил босқичи эканлигини эътироф этишади. Фуқаролик процессуал қонунчилигида судда иш қўзғатиш босқичида бир қатор шарт ва талаблар белгиланган. Ушбу талаблар фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифалари тўлиқ амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, фуқаролик ишлари қонунда белгиланган тартибда қўзғатилмас экан, судлар ўз зиммаларидаги муҳим вазифаларни, яъни фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш (ФПКнинг 4-моддаси) кабиларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди.

Айни пайтда судга мурожаат қилаётган шахслардан фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган шарт ва тартибга риоя қилиш талаб этилади. Зеро, Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида, судга мурожаат қилаётган шахсларга қонунда белгиланган тартибда мурожаат этиш мажбуриятини ҳам юклайди.

(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Ҳаёт йўллари ҳамиша ҳам бир текис кечавермайди. Кимнингдир жиноят содир этгани ҳақидаги гап қулоққа чалинганида: «яхши иш бўлмабди, энди жазо олади», деймиз. Ҳақиқатан ҳам, жиноят қасдданми, билиб-билмай ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этилганми, барибир, жазосиз қолмайди.

Одил судлов талаби

адолатли жазо тайинлашдан иборатдир



Шу ўринда асосий мақсадга ўтадиган бўлсак, судлар фаолиятида бир ёки бир неча айбланувчи шахснинг бир нечта жиноятга қўл урган ҳоллар ҳам учраб туради. Бир нечта жиноят, қонунга кўра, шахс томонидан ҳар бир алоҳида жиноят таркибини ташкил этувчи икки ва ундан ортиқ қилмиш содир этилганини билдиради. Амалдаги қонунчиликда бир неча жиноят содир этган шахс ёки шахслар қилмишини квалификация қилишнинг аниқ мезони белгиланган. Бундай жиноятлар мажмуининг аниқланиши қилмишни тўғри квалификация қилиш ва унга муносиб жазо тайинлашни ҳам тақозо этади, албатта.

(Давоми иккинчи бетда)

Anjuman

Қонун ижодкорлигига бағишланди

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолиятининг изчил ривожланаётгани амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини юритиш, айниқса, қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун янги талабларни қўймоқда. Бу эса, ўз навбатида, қонун ижодкорлиги фаолияти субъектлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати тубдан яхшиланган, умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик самарали таъминланаётгани алоҳида таъкидланди ва шу билан бирга Парламентнинг кейинги беш йиллик даврдаги вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб берилди. Шунингдек, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини янада яхшилаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Президентимиз белгилаб берган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, Марказнинг Германия Техник ҳамкорлик жамияти (ГТЦ) билан биргаликдаги қўшма лойиҳаси асосида пойтахтимизда ташкил этилган уч кунлик семинар тренинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қонунчилик техникаси мавзуига бағишланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва самарадорлигига эришиш, депутатларнинг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш ҳамда депутатлик назорати институтини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлик назорати — қонун сифати ва самарадорлигини ошириш демакдир

Таъкидлаш жоизки, жамиятимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилиши ва бошқаруви тизимини янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни либераллаштириш, бу борада одил судловнинг амалда мустақиллигини таъминлаш бўйича амалга оширилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаати учундир» деган ҳаётбахш тамойилнинг амалий ифодаси бўлди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган бундай ўзгаришлар ҳар жиҳатдан ривожланган демократик давлат барпо этишга, халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга, энг муҳими, ўзимизга хос тараққиёт модели ҳуқуқий пойдеворининг изчиллиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашга замин яратди.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Муаллифлик ҳуқуқи: миллий ва халқаро тамойиллар



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Берн Конвенцияси — 1886 йил 9 сентябрда қабул қилинган бўлиб, фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган асосий халқаро шартномалардан биридир. Конвенцияда муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган объектлар, асарлар белгиланган. Уларни яратиш ва улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари билан тартибга солинади. Конвенцияга аъзо бўлган ҳар бир давлат мажбуриятлар, ҳуқуқий имконият ёки имтиёзлар бўйича тенг ҳисобланади.

Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, у аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади. Конвенцияни қўллашда универсаллик, автоматик ҳимоя, миллий тартиб-тамойилларига амал қилинади.

Мамлакатимизнинг Берн Конвенциясига қўшилиши бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, муаллифларимиз ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларига катта имкониятлар яратди. Эндиликда муаллифларимиз асарларидан Берн Конвенциясига аъзо бўлган 150 дан зиёд давлат ҳудудида фақат рухсат билан фойдаланилади.

2006 йил янги таҳрирда қабул қилинган **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мослаштирилди. Мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан Фуқаролик кодексига ўзгартириш киритилди, бир қатор зарур норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг **«Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»**ги ҳамда **«Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида»**ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш борасида Юртбошимиз раҳнамолигида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигидан маълум қилишларича, ҳозирги кунда фан, адабиёт, санъат асарлари ва уларнинг муаллифлари, турдош ҳуқуқларнинг субъект ва объектлари рўйхатини ишлаб чиқиш бўйича агентликда ягона электрон маълумотлар базаси яратилган. Икки мингга яқин муаллифнинг 17 мингдан зиёд асари тўғрисидаги маълумотлар базадан жой олган.

Тегишли тартибда рўйхатдан ўтган муаллифлар асарларидан фойдаланаётганлар қалам ҳақини белгиланган тартибда мазкур агентликка ўтказади ва маблағнинг асосий қисми муаллифларга ажратилади. Ҳозирги кунда шу тартибда юртимиз муаллифларининг ҳуқуқлари хорижда, чет эллик муаллифларнинг ҳуқуқлари эса юртимизда изчил ҳимоя қилинмоқда. Бу борада қатор давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган. Эълон қилинаётган асарлар реестри юритилиб, қалам ҳақини ўз вақтида ундириш чоралари кўрилмоқда. Зеро, қонунчиликка мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар муайян асардан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномага биноан ёки тегишли рухсатнома мавжуд бўлгандагина фойдаланиши мумкин. Бундай маҳсулот (аудиовизуал асарлар — кино, видеофильм, мусиқий асарлар) хориждан олиб келинса, уни тасдиқловчи тегишли ҳужжат бўлиши лозим.

Шу ўринда айтиш жоизки, интеллектуал мулк соҳаси ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмига айланиб бормоқда. Шу боис интеллектуал мулк ҳимоясини ривожлантириш, контрафакцияга қарши курашни кучайтириш долзарб вазифалардандир.

Мамлакатимизда Берн Конвенцияси меъёрларига амал қилиш, муаллифлар ва турдош ҳуқуқ эгаларига етказилаётган моддий ва маънавий зарарга барҳам бериш мақсадида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, жойларда асарларни мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўл билан олиб кириш, рухсатсиз нусха кўчириб, сотиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Эълон қилинган асарлардан муаллиф рухсатисиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Буларнинг барчаси қонунчиликда ўғриликка тенглаштирилган жиноят ҳисобланади. Негаки, қароқчилик йўли билан қалбакилаштириладиган маҳсулотлар ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмайди, оқибатда белгиланган солиқлар ҳам, муаллифга берилиши лозим бўлган ҳақ ҳам тўланмайди. Бундай ҳолатларда, аввало, муаллифлар бузилаётган ҳуқуқларини тиклаш учун тегишли идораларга мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ. Чунки қонунчилигимизда муаллифлик ҳуқуқини бузаётганлар учун тегишли жазолар белгиланган.

Бу борадаги қонун талаблари бузилиши ҳолатларига қарши курашиш борасида Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Мазкур ташкилотлар вакиллари томонидан ўтган йили бозорлар ва савдо шохобчаларида уч мингга яқин тезкор тадбирлар ва текширишлар ўтказилди. Натижада 725 минг донага яқин ноқонуний сотилаётган DVD, CD, MP3 дисклари олиб қўйилди ва тегишли тартибда йўқ қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА

Iqtisodiyotimiz tamoyillari

Бунёдкор халқнинг буюк мақсадлари ижобати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мажлисда қайд этилганидек, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури тадбирларининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирининг олдини олиш, балки макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари ҳам таъминланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 20,1 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини янги ташқи бозорларга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ишлар экспорт ҳажмларининг 22,1 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмаси бўйича салмоқли ижобий сальдога эришишни таъминлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Техник жиҳатдан модернизациялаш бўйича 29 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, 118 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ўсиши туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, шу жумладан, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён республикада 215,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 150,1 мингтадан кўпроғи ёки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Касаначиликни ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида қўшимча равишда 53,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.



Буларнинг барчаси юртимиз иқтисодий барқарорлигининг дадил одимлари. Бундай шароитда, албатта, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашдек эзгу ва хайрли ишларга кенг йўл очилади. Соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишга жорий йилнинг биринчи чорагида 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ доллари йўналтирилгани бунинг исботидир.

Оналарнинг репродуктив саломатлигини ва болаларни ҳимоя қилишни янада яхшилаш, устувор равишда профилактикавий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Таълим муассасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси билан, шунингдек, қишлоқ жойларидаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларнинг турар-жой шароитини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тараққиётимизни таъминламоқда. Бундан нафақат фахрланиш, балки ҳисса қўшиш барчамизнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Норгул АБДУРАИМОВА

Saboq

Одил судлов талаби

адолатли жазо тайинлашдан иборатдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

«Навбаҳор қурилиш тонги» хусусий корхонасида ўтган йилнинг 15 майидан бошлаб Б.Очилов директор, Қ.Нурмаматов бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келган. Улар туман давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган ҳисоботларда корхона томонидан амалга оширилган товар айланмалари, бажарилган иш ва хизматлар, шунингдек, олинган даромадларни кўрсатмай, бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган товарлар савдосини амалга оширишган. Тўғри йўлдан тойган бу кимсалар шу тарика 22 миллион 147 минг сўмлик ягона солиқ тўловини тўлашдан қасддан бўйин товлаб, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказишган.

Булар билан чекланмаган Б.Очилов билан Қ.Нурмаматов яна жиноий тил бириктириб, товарларни сотишдан тушган нақд пул маблағини банк муассасасига белгиланган тартибда топширмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишган. Улар бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ҳамда 189-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир этишган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги **«Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»**ги қарорининг 7-бандида **«Жиноят кодексининг 33-моддасига мувофиқ, жиноятлар мажмуи мавжуд бўлганда айбдор шахс ўзи содир этган ҳар бир жиноят учун Жиноят кодексининг тегишли моддаси ёки моддаси қисми бўйича жиноий жавобгар бўлади»**, дея раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд ушбу Пленум қарори талабига таяниб, Б.Очилов ва К.Нурмаматовга тайинланадиган жазонинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш учун судланувчиларнинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 55-моддаси «а» бандида кўрсатилган чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳолати борлиги, Жиноят кодексининг 56-моддасидаги жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқлигини инобатга олди. Шунингдек, суд Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 45-бандидаги **«...суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт»**, деган раҳбарий тушунтиришга асосланди. Б.Очилов ва К.Нурмаматовнинг муқаддам судланмагани, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон эканлиги, уч нафар фарзанди борлиги эътиборга олинди. Суд судланувчиларга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўлламасликни, Жиноят кодексининг 57-моддасига асосланиб, жарима жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд жиноят мазмунидан келиб чиқиб, судланувчи Б.Очилов ва Қ.Нурмаматовга ҳар бир жинояти учун жазо белгилади. Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми — солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш жинояти учун ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди. Шунингдек, Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми — савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш қилмиши учун ҳам ҳар икки судланувчига 3 миллион 364 минг 500 сўмдан жарима жазоси тайинланди. Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, Б.Очилов ва Қ.Нурмаматовнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 120 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Дастлабки тергов даврида судланувчилар етказган 22 миллион 147 минг сўмлик зарар қопланмаган эди. Суд Б.Очиловга тегишли рўйхатга олинган 12 миллион 602 минг 700 сўмлик электрокабеллар, 10 миллион 284 минг 40 сўмлик 130 дона ишлаб чиқаришда кийиладиган қишки махсус кийимни етказилган зарарни қоплашга қаратиб, ҳукм чиқарди.

Қисқаси, юқоридаги каби жиноят мажмуи мавжуд бўлган тақдирда, шубҳасиз, айбдор шахс ўзи содир этган ҳар бир жиноят учун қонун олдида жавоб беради. Қилмишга мутаносиб жазо тайинланиши эса одил судлов талабидир.

Маъмуржон ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Конимех тумани судининг раиси

Anjuman

Қонун ижодкорлигига бағишланди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Машғулотларда Олий суд, Олий хўжалик суди, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьялари, консультантлари ва Тадқиқот маркази мутахассислари иштирок этишди.

Семинар тренингда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг турлари, қонуннинг таъсир доираси, қонун ҳужжатларини тайёрлашда учрайдиган қарама-қаршиликлар ва уларни бартараф этиш масалалари бўйича халқаро ва маҳаллий экспертларнинг маърузалари тингланди. Қонун ижодкорлиги ва унинг босқичлари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонунни муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёни, қонунчилик техникаси каби мавзулар атрофлича муҳокама қилинди.

Бундай ўқув семинарлар қонунларнинг самарали ижросини таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига мослигини ўрганиш, қонун ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқ жараёнларни кузатиш, қонунни қўллаш амалиётидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишда суд ҳокимияти вакилларига, тадқиқотчиларга яқиндан ёрдам беради. Қонун ижодкорлиги фаолияти субъектлари масъулиятини кучайтириш баробарида, қабул қилинадиган қонунларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муаттар АСҚАРОВА,
журналист

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, хўжалик судида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Л.АСЛИДДИНОВА,
Қарши шаҳри

— Хўжалик-процессуал кодексининг 35-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда ушбу кодексда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу кодексда назарда тутилган процессуал мажбуриятларга эгадир ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари шарт.

— Хозирги вақтда мен институтда илмий тадқиқот олиб бораман. Илмий ишим билан янада жиддий шуғулланишим учун таътил олишим зарур. Айтинг-чи, мен ижодий таътил олсам бўладими?

Ф.МАҲМУДОВ,
Поп тумани



— Ижодий таътиллар Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11-мартдаги 133-сонли қарорига асосан, давлат олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига — ушбу муассасалар Илмий кенгашининг тақдимномасига кўра, директор (ректор) томонидан; бошқа давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ходимларига — илм толиби бириктириб қўйилган олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасаси Илмий кенгашининг тақдимномасига кўра, вазирлик (идора) томонидан берилади.

Илмий даража олувчи илм толибларига бериладиган ижодий таътилларни расмийлаштириш учун кафедра, шўъба, лабораториялар Кенгашга сабаблари кўрсатилган илтимоснома юборади.

Ижодий таътил бериш тўғрисидаги тавсиянома илмий ишнинг муҳимлигини, олиб борилган тадқиқотларнинг ҳажмини ва диссертацияни таътил вақтида тугаллаш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда Илмий кенгаш томонидан берилади.

Илмий кенгаш тавсияномасида диссертацияни ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган таътилни бериш вақти ва муддатлари кўрсатилади.

Ижодий таътил олган шахслар, таътил тамом бўлганидан сўнг, қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

Саволга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга қаратилган ислоҳотлар натижасида юртимизда ижара муносабатлари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Бундай муносабатларга ер, транспорт, уй-жой ва мулк ижарасининг бошқа турлари киради.

Fuqarolik qonunchiligi

Мулкни ижарага

Мулк ижараси шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган икки томонлама шартнома ҳисобланади. Унинг ўзига хос белгиси шундан иборатки, ижара шартномасига кўра, ижарага мулк эгасининг асосан икки ҳуқуқи — мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ижарага олувчига ўтади. Айрим ҳолларда фақат мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ўтади.

Мулк ижараси шартномаси қуйидаги муҳим шартларни ўз ичига олади: ижарага олинаётган мулкнинг таркиби ва қиймати (нархи), унинг ижарага берилиш тартиби; ижара муддати; ижара ҳақининг шартлари ва миқдори, уни тўлаш муддати; ижарага берувчи ижара олувчига топшириш пайтдаги мулкнинг ҳолати; ижарага олувчининг мулкдан фойдаланиш шартлари; шартнома муддати тугаганидан сўнг мулкни эгасига қайтариш тартиби ва бошқалар.

Агар қонун ёки мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган маҳсулот, мева ва бошқа даромадлар унинг мулки ҳисобланади.

Ижарага олувчи даромадларнинг мулкдори бўлиб, ҳуқуқий нуқтаи назардан унга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлади. Бунга кўра, у ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилишга, ундан фойдаланишга ва уни тасарруф этишга, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилишни бартараф этишни талаб қилишга тўлиқ ҳақли.

Истеъмол қилинмайдиган ва ўз хусусий аломатлари билан белгиланадиган мол-мулклар (ашёлар) мулк ижараси объектлари ҳисобланади. Мулк ижараси объектлари бўлган мол-мулк (ашёлар) мулк ҳуқуқи асосида давлат, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, турли ширкатлар ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларга тегишли бўлиши, яъни оммавий ёхуд хусусий мулк объектлари бўлиши мумкин.

Бу объектлар жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар киради.

Huquqiy ma`rifat

Судда фуқаролик ишларини қўзғатиш



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Судда даъво ишларини қўзғатишнинг асосий шартларидан бири судга мурожаат қилувчи шахслар доирасини тўғри аниқлашдан иборатдир. Фуқаролик процессуал кодексининг 5-моддасига мувофиқ, суд фуқаролик ишини қуйидаги ҳолларда қўзғатади: биринчидан, ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича; иккинчидан, прокурорнинг аризаси бўйича; учинчидан, агар давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича.

Судья шахснинг судга мурожаат этиш ҳуқуқи борлигига ишонч ҳосил қилгач, судга мурожаат этиш қоидалари бузилмаганлигини текшириши лозим.

Олий суд Пленуми қарорларида, хусусан, 1991 йил 20 декабрдаги **«Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 4-бандида фактни белгилаш тўғрисидаги аризалар Фуқаролик процессуал кодексининг 280, 283-моддаларига биноан алоҳида иш юритиш тартибида кўришда қуйидаги шартларга риоя қилинган тақдирдагина суд томонидан қабул қилиниши мумкинлиги юзасидан тушунтиришлар берилади: агар бу фактни белгилаш фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларини бевосита келтириб чиқарса, ўзгартирса ёки тугатса; агар манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқ ҳақида судга тааллуқли низо бўлмаса, фактни белгилаш шу фактдан келиб чиқадиган (фуқаронинг насабини, келиб чиқиши, меросни қабул қилиш муддатини узайтириш, мерос ҳақидаги гувоҳнома берилишининг асослилиги, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида) ҳуқуқ ҳақидаги низони келгусида ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаса, яъни манфаатдор шахсларда тегишли даъво билан судга мурожаат қилиш имконияти бўлса; агар ариза берувчи шу фактни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача йўл билан олиш ёки тиклаш имкониятига эга бўлмаса.

Судья фақат қонунда назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли. Келтирилган талабларнинг исботланмаганлиги, даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги ва қонунда назарда тутилмаган асослар бўйича аризани қабул қилиш ва фуқаролик ишини қўзғатишнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 148-моддасига кўра, судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан қўзғатилиши белгилаб қўйилган бўлиб, процессуал қонунчилик фуқаролик ишининг бошқа шаклда қўзғатилишини назарда тутмайди.

Даъво аризаси — субъектив ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш учун судга мурожаат қилишнинг қонун билан белгилаб қўйилган шаклидир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасида аризанинг мазмуни ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, аввалambор, аризада ариза берилаётган суднинг номи кўрсатилади. Ундан кейин даъвогар ҳақидаги маълумотлар батафсил баён этилиши лозим.

Шунингдек, аризада даъвогарнинг талаби, бошқача қилиб айтганда, даъвогарнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг жавобгар томонидан бузилган ҳоллари аниқ қилиб кўрсатилган бўлиши керак.

Даъво аризасида даъвонинг баҳоси ҳам кўрсатилиши керак. Даъвонинг баҳоси эса Фуқаролик процессуал кодексининг 105-моддасига биноан аниқланади. Даъвогар кўрсатган баҳо даъво қилинаётган мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол аниқ бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди. Агар даъво айнан пул билан боғлиқ бўлса, ундирилиши керак бўлган пул аниқ қилиб кўрсатилади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризалар, шунингдек, прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддаси талабларига жавоб бериши лозим. Даъво аризасида аризага илова қилинган ҳужжатлар ҳақида ҳам айтиб ўтилиши керак.

Даъво аризаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149 ва 150-моддалари талабларига риоя қилинмай берилган ҳолларда эса ариза суд томонидан ҳаракатсиз қолдирилади ва Фуқаролик процессуал кодексининг 154-моддасига асосан камчиликларни бартараф этиш муддати кўрсатилади. Кўрсатилган муддатда камчиликлар бартараф этилмаса, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Аризалар судларда суд раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади. Фуқаролик ишини қўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажрим чиқаради.

Аризани қабул қилишни рад этиш асослари Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддасида кўрсатилган. Суд қуйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этади: ариза судда кўришга тегишли бўлмаса; суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса; суд айнан бир тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса; тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса; иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса; ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса.

Олий суд Пленумининг **«Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланиши ҳақида»**ги қарорининг 8-бандига кўра, агар фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоларни белгилаш ҳақидаги аризани суд иш юргизишига қабул қилиш ёки алоҳида тартибда судда кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича (мерос, мулк ҳуқуқи ва ҳоказо) низо аниқланса, судья аризани қабул қилишни рад этади ёки суд аризани кўрмасдан қолдиради ва манфаатдор шахсларга умумий асосларда даъво қўзғатиш мумкинлигини тушунтиради. Бундай ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни тузатиш ва ўзгартишлар ёхуд қўшимчалар киритиш масаласи суд томонидан даъво ишини юргизиш тартибида даъво аризаси билан бирга ҳал этилади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари доктори

Istiqlol va imkoniyat

Депутатлик назорати — қонун сифати ва самарадорлигини ошириш демакдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу маънода икки палатали Парламент ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда чинакам профессионал қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, унинг аъзоларининг мавқеи ҳамда масъулиятини ошириш, депутат ёки сенаторнинг сайловчилар олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, ўтган давр ичида халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган 250 дан ортиқ қонун қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига — мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди.**

Ана шу давр мобайнида мамлакатимизда янгилаш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ўрнига катта аҳамият берилди. Сайлов жараёнларида фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошди. Маҳаллий вакиллик органлари роли кучайтирилди. Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ва ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича ўзига хос самарали тизим яратилди.

Албатта, амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар, бу борада эришилган ютуқлар ҳақида ҳар қанча тўхталсак оз. Бироқ айни пайтда бугунги давр ҳар биримиздан ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашни тақозо этмоқда.

Бинобарин, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий заминнинг, демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар олдига қўйилаётган энг юксак меъёрларга тўлиқ жавоб бера олиши — бу ишимизнинг ярми эканлиги, уларни ҳаётга тўла татбиқ қилишга эришишимиз, бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизмлардан амалда янада унумли фойдаланишимизни тақозо этмоқда. Кези келганда шуни айтиш керакки, парламент назорати, хусусан, депутатлик назорати институти, бир томондан, қонунларни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этишнинг ўзига хос мониторинги бўлса, бошқа томондан, ҳар бир депутатнинг ажралмас, устувор фаолият йўналишларидан биридир.

Шунга кўра, депутатлик назорати юридик нуқтаи назардан бир неча мақсадларни кўзда тутади: биринчидан, қонуннинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш; иккинчидан, ҳар бир ҳуқуқий меъёрнинг муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилишини таъминлашга эришиш; учинчидан, қонунлардаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш; тўртинчидан, қонунлар ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг юксак масъулиятини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишни таъминлаш.

Демак, буларнинг барчаси ҳар биримиздан ўз фаолиятимизга жиддий масъулият билан ёндашишимизни, жамиятимизни янгилаш ва демократлаштириш сари фидокорона меҳнат қилишимизни талаб этади. Чунки миллий парламентимизнинг эртанги фаолияти, уни мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг том маънодаги кўзгусига айланиши бунга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Faoliyat

Адоватга ўрин қолмади

икки қўшнининг ярашуви шунга йўл очди

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтининг жорий қилиниши халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Адашган кишига тўғри йўл кўрсатиш, йиқилганни суяш, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиш халқимиз табиати, миллий қадриятларига мос тушади. Шунингдек, халқимизнинг қадимий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига асосланган багрикенглик, халқпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳр-оқибатлилик сингари фазилатлари ярашув институтида ўз ифодасини топган.

Бу ҳаётда бировнинг гапи иккинчи одамга ҳар доим ҳам маъқул келавермаслиги бор гап. Гоҳида жаҳл аҳлдан устун келади. Ўртада юз берган жанжал бир кишининг жабрланиши, иккинчисининг эса жиноий жавобгарликка тортилиб, бир неча йиллик умрини оиласи, яқинларидан узоқда ўтказишига олиб келади. Тасаввур қилинг-а, бир арикдан сув ичадиган, девор дармиён яшайдиган, ҳар куни кўзи кўзига тушадиган, яхши-ёмон кунда, тўй-ҳашамда бир-бирлари билан қўл олишадиган қўни-қўшни ўртасида шундай дилхиралик келиб чиқса... Бундан ёмони бўлмаса керак.

Шуҳрат Усмонов билан Алишер Эшноров эсини танишганидан бери ёнма-ён ҳовлида яшаб келишади. Уларнинг ота-боболари ҳам қўшни яшашган. Қишлоқда кўпчилик Шуҳрат билан Алишернинг бир-бирларига нисбатан қўшничилик ҳурмат-иззатини сақлашига ҳавас қилишарди.

Уларнинг аҳил муносабатига кўз тегдими, бирдан ораларига совуқчилик тушди. Гап шундаки, Шуҳрат билан Алишер уйлари ёнида айтишиб қолишди. Шунда Шуҳрат жаҳлини жиловлай олмади. У Алишерга қўл кўтарди, уриб, дўппослади. Тергов чоғида Ш.Усмоновнинг жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан малакаланди.

Маълумки, ярашув ҳеч бир тазйиқсиз, ихтиёрий амалга оширилади.

Иш судда кўрилаётганда Алишер Эшноровнинг фикри тамомила ўзгарди. У қўшнисининг узрини қабул қилишини билдирди.

Шундан сўнг судланувчи Ш.Усмонов судга ариза билан мурожаат қилиб жабрланувчи қўшниси эканлигини, улар ўзаро ярашишганини, даволанишга кетган харажатларни тўлиқ қоплаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўз навбатида жабрланувчи А.Эшноров ҳам судга ариза билан мурожаат қилиб, Ш.Усмонов билан ярашганлиги, ярашув ихтиёрий бўлганлигини, етказилган зарарларни судланувчи тўлиқ қоплаганлигини инобатга олиб, ишнинг ҳаракатдан тўхтатилишини сўради.

Суд Жиноят кодексининг 66[1]-моддаси талабларига асосланди. Олий суд Пленумининг **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақида»**ги қароридан келиб чиқиб, судланувчининг биринчи марта жиноят содир этганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, жабрланувчи билан ўзаро ярашганлиги, унинг даволанишига кетган харажатларни тўлиқ қоплаганлигини ҳисобга олди. Ш.Усмоновнинг жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Аввал-бошда айтилганидек, суд-ҳуқуқ тизими амалиётида ярашиш муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтининг жорий қилингани фуқароларимиз кўнглига жуда мос тушди. Гувоҳи бўлганингиздек, ихтиёрий ярашув икки қўшни ўртасидаги муносабатларнинг яна тўғри изга тушиб олишига имкон беради. Бундан нафақат Шуҳратнинг ўзи, балки унинг оиласи, уч нафар фарзанди ва бошқа яқинлари ҳам қувонишгани аниқ. Чунки бағрикенглик — меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик, кечиримлилик демакдир.

Муҳиддин ТЎХТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Пастдарғом тумани судининг раиси

Islohot va samara

Мулк шаклидан қатъи назар, уй-жой мулкдорлари, ижарага, арендага олувчилари ўзларига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун қонун ҳужжатларига ва коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, тўловларни ўз вақтида амалга оширишлари шарт. Шунингдек, қонунда давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тўлаш ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирилмай ҳар ойда амалга оширилиши лозимлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Суд буйруғи

ҳамда унинг коммунал тўловларни ундиришдаги аҳамияти



Коммунал тўловлар билан боғлиқ масала долзарб аҳамият касб этганлиги туфайли Фуқаролик процессуал кодексининг 238[2]-моддаси 2-қисмига 2008 йил 9 апрелда қабул қилинган қонун билан ўзгартириш киритилиб, коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш суд буйруғи тартибида ҳал этилиши белгиланди. Айтиш керакки, суд буйруғи биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг алоҳида тури, суд муҳокамаси талаб этилмайдиган ижро ҳужжати ҳисобланади. Суд буйруғи тартибида иш юритиш ундирувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг соддалаштирилган усулидир.

Суд буйруғи институти суд ҳокимияти самарадорлигини ошириши ва суд ишини соддалаштириши билан бирга таъминотчи ва истеъмолчини ортиқча оворагарчиликлардан озод қилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шу ўринда коммунал тўловларни ундириш борасида судга мурожаат қилиш тартибига тўхталиб ўтиш жоиз. Шуни қайд этиш керакки, коммунал тўловларни ундириш борасида процессуал қонун талабига кўра, аризанинг шакли ва мазмунига қўйилган талабларга риоя этган ҳолда судга мурожаат этилиши лозим. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 238[3]-моддаси талабига биноан аризада ундирувчи ва қарздорнинг номи, манзили, арз қилинган талаб ва талабга асос бўлган ҳолатлар кўрсатилиши ҳамда арз қилинган талабни исботловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим. Арз қилинган талабни исботловчи ҳужжатлар жумласига таъминотчи ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома, кўрсатилган хизмат ва қарздорлик миқдорини исботловчи таққослаш ҳужжати киради. Ҳужжатларнинг тўлиқ ва мукаммал расмийлаштирилиши қарзни ўз вақтида ундирилишини таъминлайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, коммунал соҳанинг ривожланиши халқ фаровонлигининг муҳим омилидир. Шундай экан, ҳеч биримиз бу соҳага эътиборсиз бўлмайлик.

Н.РАҲМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг раиси

Giyohvandlik — asr vabosi

Ҳалол йўл билан топиладиган, пешона тери эвазига келадиган мол-давлат баракали бўлиши ҳаёт тажрибасидан ўтган. Омилкорлиги, тадбиркорлиги, куч-ғайрати эвазига, энг асосийси, ҳалол йўл билан бойликка эришган кишиларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди.

Бироқ ҳаётда ҳамманинг ҳам ҳалол меҳнат қилишга бўйни ёр беравермас экан. Бошқача айтганда, ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар нафс қутқуси йўлида ҳар қандай иллатга қўл уришдан тоймайди. Аслида ана шундай кимсаларнинг қилмиши туфайли дунёда гиёҳвандлик иллати тобора ёйилиб бормоқда.

Ҳаёт ҳикмати

ҳалол яшаш, эзгу ва савоб амаллардадир

Суд очерки

Чунки мўмай даромад ортидан қувиб, бойлик орттиришга муккасидан кетган баъзи кимсалар бошқаларнинг, айниқса, ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган баъзи ёшларнинг ҳаётини заҳарлаб, уларни тубсиз жарга етаклаётгани ачинарли ҳолдир.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этсак, яқинда Мамат отанинг хонадонида кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Отанинг яхши ният билан боқаётган ҳўкизини кимдир ўғирлаб кетди. Ташвишга ботган ота бу ҳақда дарров туман ички ишлар бўлимига хабар қилди. Тезкор қидирув ишлари натижасида ҳўкиз топилди-ю, лекин Мамат отанинг ўзи баттар оғир аҳволга тушиб қолди. Чунки ўғри бегона эмас, балки отанинг ўғли билан куёви бўлиб чиқди. Гиёҳвандлик хуморига чидолмаган иккала гиёҳванд йигит бошқа бир хонадонни тунашаётганда қўлга тушиб, тегишли жазога тортилишди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Лекин гап воқеалар тафсилотида, хилма-хиллигида эмас, балки уларнинг маънавий-ахлоқий ҳаётимизга солаётган хавфидадир. Зеро, гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳар бир воқеа ортида неча-неча кишининг ҳаёти турибди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mulohaza

Оила — муқаддас маскан

у ўзаро меҳр-оқибат туйғуси билан мустаҳкамланади

Фарзанд тарбияси, биринчи навбатда, ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Аҳил-иноқ оилада ўсиб-улғайган фарзанд, табиийки, ибратли инсон бўлиб вояга етади. Таассуфки, айрим оилаларда арзимаган келишмовчиликларни рўкач қилиб, никоҳни бекор қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Албатта, буни асло оқлаб бўлмайди. Чунки ажрашиш нафақат эр билан хотиннинг ҳаётини ўзгартиради, балки бундан ўртадаги фарзанд кўпроқ азият чекади.

Амалдаги қонунчилигимизда вояга етмаганлар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида қатъий меъёрлар ўрнатилган. Чунончи, ўзларининг масъулиятини унутган, ота-оналик бурчларини бажаришдан бўйин товлаган кишиларга суд томонидан ҳал қилув қарорлари чиқарилади.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Муниса Бобур билан 2004 йил 6 августда қонуний никоҳдан ўтиб, оила қуришган. Орадан вақт ўтиб, фарзандли бўлишади. Шундан сўнг Бобур оталик масъулиятини буткул эсдан чиқаради. М.Жумаеванинг айтишича, Бобур фарзандига ҳеч қандай ёрдам бермаган, оқибатда она-бола бошқаларнинг қарамоғида яшашга мажбур бўлишган. Шундан келиб чиқиб, М.Жумаева Б.Жумаевдан фарзандининг таъминоти учун алимент ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Олмалиқ туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг талаблари қисман қаноатлантирилиб, Б.Жумаевдан даъвогар фойдасига фарзандининг таъминоти учун ҳар ойда барча даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланди.

Аммо даъвогар М.Жумаева ушбу қарордан кўнгли тўлмай, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судига ариза билан мурожаат қилди. Апелляция суди далилларни ўрганиб чиқиб, даъвогар никоҳдан ажрашмаганини инобатга олган ҳолда Муниса Жумаева фойдасига қизи уч ёшга тўлгунига қадар ҳар ойда 20 минг сўмдан ундириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Ироданинг бошига ҳам шундай ташвиш тушди. У қўшимча алимент ундириб бериш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Маълум бўлишича, Ирода Анвар билан 1998 йил 15 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб, оила қуради. Орадан бир йил ўтгач, эгизак фарзанд кўришади. Афсуски, қизалоқлардан бири ногирон туғилади. Шундан сўнг муросаси келишмай, Ирода билан Анвар ажрашиб кетишади. Ирода тўшакдан туролмайдиган фарзандининг муолажаси учун зарур бўлган дори-дармонлар масаласида қийналиб қолади. Чунки А.Каримов фарзандидан хабар олишни хаёлига ҳам келтирмас, белгиланган алиментни тўлаш билан чекланарди. И.Расулова А.Каримовнинг алиментдан бошқа моддий ёрдам кўрсатмаётганлигини баён қилиб, қўшимча равишда ҳар ойда 170,000 сўмдан ундириб беришни сўраган.

Суд мазкур даъвони батафсил ўрганиб чиқиб, жавобгарнинг моддий ва оилавий аҳволини инобатга олган ҳолда даъвони қисман қаноатлантирди, яъни даъвогар фойдасига ҳар ойда 30,000 сўмдан ундирилиши белгиланди.

Фарзанд оиланинг чироғи, умрнинг мазмуни. Тарбияли, дунёқараши кенг, миллий қадриятларимизга содиқ фарзандлар ота-онасининг юзини ёруғ қилади, уларнинг ишончини оқлайди. Ўз навбатида оилани мўътабар билиб, уни қадрлаган инсонларгина фарзандларидан яхшилик кўради. Бинобарин, ота-она болаларининг баркамол бўлиб улғайишлари учун оилада соғлом муҳитни қарор топтиришлари лозим.

Дилфуза ЭГАМОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси

2010-yil — Barkamol avlod yili

Иқтидорли ёшлар — бизнинг бахтимиз

Давлатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган сўзлари замирида халқимизнинг комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш борасидаги ўзига хос миллий қарашлари мужассамлашган. Чунки аждодларимизнинг узоқ тарихий ўтмишига назар солган киши ота-боболаримиз ўз даврида келажак учун кўпроқ қайғуришганига, фарзандлари камолини ҳамма нарсадан устун қўйишганига гувоҳ бўлади.

Жамиятимизда ҳал қилувчи куч саналган ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, эл-юрт ишига камарбаста, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга мустақилликнинг илк кунлариданоқ эътибор қаратилди. Шу мақсадда замонавий кўринишдаги мактаб, лицей, коллеж бинолари қад ростлади, улар жаҳон таълим андозалари талабига жавоб берадиган зарур ўқув-техника воситалари билан жиҳозланди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилган **«Таълим тўғрисида»**ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бугунги кунда ўзининг аниқ самарасини бераётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Республикамизда қобилиятли, иқтидорли ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Бунга мисол қилиб, олий ўқув юртларида тенгқурларига ибрат-намуна бўлиб таҳсил олаётган, салоҳиятли талабалар учун давлат стипендиялари жорий қилинганлигини кўрсатиш мумкин. Ёки касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Шубҳасиз, бу ёшларнинг илм олишга бўлган қизиқишини янада оширади.

Олий ўқув юртида таҳсил олиш, ўзи қизиққан касбнинг етук мутахассиси бўлиб етишиш ҳар бир ёш йигит-қизнинг юксак орзуси. Олий ўқув юртларига қабулнинг тест-синов шаклида ўтказилаётгани ҳар йили билимли, интилувчан ёшларнинг талабалар сафидан ўрин олишига имкон бермоқда. Жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларда, амалга оширилаётган бунёдкорлик, ишларида, ўқишда, жамоат ишларида фаол бўлган, интилишларини рўёбга чиқариш учун тинмай изланаётган ёшларнинг саъй-ҳаракатлари бошқа тенгқурларига ибрат қилиб кўрсатишга арзийди.

Келгуси ишларимиз давомчилари бўлган иқтидорли ёшларни кўрганимда, очиғи, уларга ҳавасим келади. Кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилдим, анча йилдан буён Тошкент банк коллежида ёшларга математика фанидан сабоқ бериб келаман. Вазирлар Маҳкамасининг Тест маркази томонидан ташкил этилган **«Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи»** республика танловида қатнашиб, 1997 ва 2000 йилларда ғолиб бўлдим. Буларни айтаётганимнинг сабаби — бир педагог сифатида эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг кенг дунёқарашга эгалиги, билимли, ақлли эканига гувоҳман.

Бир сўз билан айтганда, ривожланаётган озод ва обод юртимизда ҳар жиҳатдан етук, салоҳиятли, ибрат назари билан боқишга лойиқ шижоатли ёшларимизнинг ҳаётда муносиб ўринларини топаётганликлари жамиятимиз ютуғидир.

Баҳром НОРҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, «Шуҳрат» медали соҳиби

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Оддийлик ахлоқий баркамолликнинг бош шартидир.

* * *

Инсофли ва инсофсиз одамни нима қилганидангина эмас, нимани истаганидан ҳам фарқлаб бўлади.

* * *

Ножўя хатти-ҳаракат гарчи вақтинча омадли кўринса-да, аммо ҳеч қачон чинакам бахт ато этмайди.

* * *

Нуқсонингни дўстингдан сўраб юрма, у айтмайди. Яхшиси, душманларинг нима дейишларига қулоқ сол.

* * *

Дўстдан яхшилик кўрган одам мислсиз бахтиёрдир.

* * *

Ёмон ишлардан чин кўнгилдан тавба-тазарру қилиш умрни ҳалокатдан қутқаришдир.

Maslahat

СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Жиноят кодексининг 77-моддасида таъкидланишича, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб, шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс эса, судланмаган деб саналади.

Судланганлик ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 79-моддасига мувофиқ, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан сўнг, унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан сўнг унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. Бунинг учун судга илтимоснома билан мурожаат этилади.

Судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

Tafakkur gulshani

Маҳмуд САТТОР

Нега шундай деймиз?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичибди.

Бир одамнинг шарофати билан бошқалар ҳам яхшиликдан баҳраманд бўлиб қолганини билишса ёки бир гуруҳ ғайратли инсонлар ташаббуси туфайли бутун маҳалла-кўй манфаат кўрганини билдириш учун ушбу мақолни қўллашади. Мақол баъзан жиддий, баъзан ҳазил-мутойиба тарзида ишлатилади. Ишёқмасроқ одамларга танбеҳ бериш мақсадида кўпроқ енгил киноя оҳангида ҳам айтилади.

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.

Бу мажозий мақолни айтиш билан халқимиз: ҳеч бир иш, ҳодиса сабабсиз, ўз-ўзидан содир бўлмайди, дея инсонни ақл ишлатишга, воқеаларнинг туб илдизини ахтаришга чақиради. Бирор жумбоқ ёки мушкул ишга дуч келдингми, шунақа экан-да, деб кетавермай, унинг асл сабабларини изла, айб кимда, ўзингда эмасмикин, деган маъноларни ҳам кўзда тутади.

Qonun — barchaga barobar

Халқимизда етти ўлчаб бир кес, деган нақл бор. Чунки охирини ўйламасдан, шошма-шошарлик билан қилинган ҳар қандай иш ташвиш олиб келади. Оқибатда эса ўзаро ишонч йўқолиб, ўртада дилхиралик пайдо бўлади. Икки оила ўртасида йиллаб давом этиб келаётган уй-жой олди-сотдиси билан боғлиқ судда кўрилган можаро тафсилотлари шундай хулоса қилишга ундайди.

Лафзсизлик

ёхуд бир ҳовли-жой низоси

Музработлик Ҳазратқул ака «Деҳиболо назари» маҳалласида жойлашган хонадонида бир неча йилдан буён оиласи билан умргузаронлик қилиб келарди. Кейинги пайтда фарзандларининг тўйларига қилинган харажатлар туфайли оила чиқимдор бўлиб қолди. Шу сабабли оила аъзолари маслаҳатни бир жойга қўйишиб, қарийб ўн сотихли уй-жойни сотишга қарор қилишди. Кўп ўтмай харидор ҳам топила қолди. Шу ҳудудда яшовчи Бўрихол Ҳотамова Ҳазратқул Мирзақулов билан келишилган нархда ҳовли-жойни сотиб олди. Музработ тумани давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси ҳар иккала тараф томонидан имзоланиб, тумандаги «Ер тузиш кўчмас мулк кадастри» хизмати рўйхатидан ўтказилди.

Табиийки, шу кундан эътиборан, фуқаро Б.Ҳотамова уй-жойга эгалик ҳуқуқини қўлга киритган. Аммо Мирзақуловлар оиласи олди-сотди шартномасининг 9-бандида кўрсатилганидек, бир ой муддат ичида турар-жойни бўшатиш ҳамда ушбу манзилдан рўйхатдан чиқиш мажбуриятини олган бўлсаларда, ҳар гал турли сабабларни важ қилиб, Б.Ҳотамованинг қўшимча пул талаб қила бошлашади. Б.Ҳотамова хонадон эгаларидан бир неча бор инсоф юзасидан уй-жойни бўшатиб беришни сўрайди. Бироқ улар инсофга келишмайди. Ҳатто маҳалла оқсоқолларининг аралашуви ҳам зое кетди.

Кейинчалик эса Ҳазратқул Мирзақуловнинг умр йўлдоши Бибиқиз Набиева ҳамда ўғли ва келинлари ўзаро тил бириктиришиб, бор ҳақиқатдан кўз юмган ҳолда, «уй-жойнинг олди-сотдисидан бизнинг хабаримиз йўқ эди», деган баҳонани ўйлаб топишади.

Шундан сўнг шахсий жамғармасига сотиб олиб, ўз мулкига эгалик қилолмасдан хуноби ошган Б.Ҳотамованинг судга мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмайди.

Уй-жойдан чиқмаслик илинжида Мирзақуловлар оиласи қанчалик важ келтиришмасин, қонуний далил ва ҳужжатларнинг жуда ўжар бўлиши суд жараёнида яна бир карра аён бўлди. Суд фуқаро Бўрихол Ҳотамованинг даъво-талабларидан келиб чиқиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206 моддаларини қўллаб, Ҳазратқул Мирзақуловни оила аъзолари билан юқорида таъкидланган манзилдан мажбурий тартибда чиқариш хусусидаги ҳал қилув қарори чиқарди.

Ваъда вафоси билан гўзал, деганларидек, ҳар қандай дамда лафзга содиқ бўлиш, ўзаро ишончни йўқотмаслик инсон умрининг зийнати эканлигини унутмаслик керак.

Муҳаббат ЧОРИЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч-адолатда» мухбири

Giyohvandlik — asr vabosi

Ҳаёт ҳикмати

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Муштипар онанинг фарёди оламни тутди. Отанинг қадди букилди. Уларни фарзанд доғи қийнарди. Ота-онаси хизматида камарбаста бўладиган ўғил гиёҳвандлик балоси туфайли ўттиз ёшга кирар-кирмас ҳаётдан кўз юмгани ҳамманинг ҳам кўнглини сирқиратиб юборади.

Ўйланиб қоласан киши. Баъзи кимсалар кўрабила туриб, нега ўз тақдирини чиркин қисмат сари йўллайди? Нега тинч ва хотиржам ҳаётнинг қадрига ўз вақтида етмайди?

Нусрат мактабни битирди-ю, савдо баҳонасида кирмаган кўчаси қолмади. Бора-бора пули кўпайди. Пули кўп одамнинг улфатлари ҳам бисёр бўлади. Бир куни дўстларига зиёфат бераётганида ёлғиз ўғли дастурхонда турган «оқ дори», яъни гиёҳвандлик моддасини билмасдан оғзига солди-ю...

Ушбу фожиа оғуфуруш сўнг ҳам Нусрат ўз «фаолияти»ни давом эттираверди. Охир-оқибат ғайриқонуний ишнинг миси чиқди, қинғир йўл билан топган мол-мулки қўлдан кетди, ўзи эса қилмишига яраша жазо олди.

Жиноят кодексининг 96-моддасида **«Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга тиббий йўсиндаги чораларни ҳам тайинлаши мумкин»**, дея қайд этилган. Маълумки, гиёҳванд кимса хуружини босиш учун ҳар қандай иллатдан, ҳатто ўғирлик ёки қотилликка қўл уришдан ҳам тоймайди. Бундай кимсаларга нисбатан суд озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ташқари, уларни мажбурий даволашга ҳам ҳукм қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, оғусиз дунё учун курашар эканмиз, бу эзгу ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак, жамоатчилик эса бу борада катта куч. Зотан, маҳалланинг тинчлиги — бизнинг хотиржамлигимиз, юрт барқарорлиги — ҳаммамизнинг осойишталигимиз демакдир. Жамият хавфсизлигига таҳдид қилувчи ҳар қандай иллат, жумладан, гиёҳвандлик балосига ҳаётимизда ўрин қолдирмаслигимиз учун эса асло лоқайдликка, бефарқликка йўл қўймаслигимиз шарт.

Муҳиддин ХОЛМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов тумани судининг раиси

G'aroyib olam

Омадми ё тасодиф?

«Қирқ йил қирғин бўлсаям, ажали етган ўлади», дейди халқимиз. Дарҳақиқат, инсон тақдирида яшаш ёзилган бўлса, ҳар қандай фалокатдан ҳам у беталофат чиқади. Бунга эса ҳаётий мисоллар кўп...

Калифорния штатида истиқомат қилувчи Реймонд Гринга супермаркетни тунамоқчи бўлган жиноий тўда бир-варакайига ўқ узишди ва унга 11 та ўқ тегди. Бироқ у тирик қолди. Энг қизиғи, бирорта ўқ унинг ҳаётий муҳим аъзосига тегмаган. Иккита ўқни эса унинг бошидан чиқариб олишган. Грингга тезда тиббий ёрдам кўрсатилгач, икки соатдан сўнг уйига жавоб берилди.

* * *

Лен Фреденбург (Теннеси штати, АҚШ) жуда чорасиз қолгани учун ўз жонига қасд қилишга қарор қилди. Ўлими олдидан бир-иккита билган дуоларини ўқимоқчи бўлди. Ўқиётган пайти унинг миясида қаёқдандир телефон рақами жаранглади. Нима қилаётганини англамаган ҳолда Теннесидан 1000 км узоқликдаги ўз жонига қасд қилувчларга тезкор ёрдам кўрсатиш хизмати телефон рақамини терди. Хуллас, уни қутқариб қолишди.

* * *

Колорадо штатида истиқомат қилувчи альпинист Аллен Хью тик чўққига чиқиш машқини бажараётганида 110 метр баландликдан пастга қулади. Унинг ўлиши муқаррар эди. Аммо у нафақат тирик қолди, балки бирор-бир жойига шикаст ҳам етмади. Ўзининг айтишича, тепадан қулаётганида: «Энди ҳаммаси тамом» деб ўйлабди. Ерга ўттиз метрлар қолганида пастдан юқорига қараб жуда кучли шамол эсиб, у ерга юмшоққина тушибди...

* * *

Миннеаполис (*Миннесота штати, АҚШ*)-лик 80 ёшли Майк Иген исмли қариянинг ярим тунда негадир уйқуси қочиб кетди. Кейин бирдан унинг Худога йиғлаб, ёлворгиси келиб қолди. Шундай қилди ҳам. Яратганга ҳамду сано айтишни тонг ёришганидан кейингина тўхтатди. Кейин эса ўзидаги узоқ йиллардан бери қийнаб келган Альцгеймер касаллигининг бутунлай йўқолганини, хотираси, фикрни бир жойга жамлаши тикланганини сезди.

* * *

Андреа Макдермотт (*Миссисипи штати, АҚШ*) сайёҳлик автобусида автоҳалокатга учради. Аммо гап бунда эмас. Ўзининг вазни зўрға 50 кг.га етадиган бу нимжонгина аёл қаттиқ чинқирганича 20 тонналик автобусни кўтариб, унинг тагида қолган қизалоғи оёғини чиқариб олганига нима дейсиз? Бир гала бақувват эркаклар ва ҳайдовчи бу ишни эплолмаган эди. Ҳамма бу ҳодисага шарҳ тополмай, қўлларини ёзиб қолди.

* * *

Элвин Сторчнинг қайиғи Эверглейдс миллий боғи кўлида ағдарилиб кетди. Энг ёмони, кўлда 500 га яқин улкан тимсоҳлар бор эди. Улар тайёр ўлжа томон ҳаракатланиб қолишди ҳам. Сторч эса Худога ёлворган ҳолда суза бошлади ва эсон-омон қирғоққа чиқиб олди. Айтишича, тимсоҳлар унинг ёнига яқинлаша олишмабди. Аммо жуда қаттиқ қўрққанини тан олди...

* * *

Нью-йорклик ўқитувчи Сьюзен Морган 17 нафар ўқувчиси билан лифт кутаётган эди. Лифт етиб келганида эса ўзи билмаган ҳолда ўқувчиларини тўхтатиб қолди. Ўқувчилар муаллиманинг бу ишидан ҳайрон эди. Худди шу пайт бўш лифт тўққизинчи қаватдан гумбурлаб пастга қулади. Агар бирор киши лифтга чиққанида... фалокатга учраши муқаррар эди.

* * *

Мичиганлик Анна Мастерс катта тезликда кетаётган машинасини бошқара олмай қолиб, кўприкдан кўлга қулади. Қутқарувчилар уни қутқариб олгунларича орадан роппа-роса уч соат ўтди. Уни ҳар эҳтимолга қарши тирилтира (*бунга умуман ишонмасалар-да, ҳар эҳтимолга қарши, чунки орадан 3 соат ўтганди*) бошладилар. Буни қарангки, аёл тезда ҳушига келди. У бошқа жароҳат олмаганди...

Интернет маълумотлари асосида Нурпўлат НУРҚУЛОВ тайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-318. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 6506.
1 2 3 4 5 Топширилди: 22⁰⁰